

---

Қуёш панелларини ўрнатган фуқароларга субсидия берилади, бир қатор солиқлардан озод этилади

Жорий йил 16 февралда “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент [қарори](#) қабул қилинди.

Қарорга кўра, қуёш панелларини ўрнатган фуқаролар ер солиғи ва мол-мулк солиғидан озод қилинади. Бундан ташқари, улар юридик шахслар томонидан умумий фойдаланишдаги тармоқ учун сотилган электр энергияси учун ундириладиган даромад солиғини тўлашдан ҳам озод қилинади.

Шу йилнинг 1 апрелидан умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан 3 йил муддатга, ўрнатилаётган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса – 10 йил муддатга қатор солиқ турларини тўлашдан озод этилади.

Қуёш панелларини ўрнатмоқчи бўлган фуқаро ва тадбиркорларга юртимиздаги “Микрокредитбанк”, Халқ банки, Ипотека-банк, “Қишлоққурилишбанк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”ларда кредитлар ажратилмоқда. Мисол учун, Халқ банки томонидан фуқаролар учун бошланғич тўловсиз “Яшил макон” истеъмол кредити 5 йилгача муддатга 15 фоиздан 60 миллион сўмгача кредит берилмоқда. Кредит таъминоти жисмоний шахс кафиллиги асосида кредит базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробаридан ошганда мол-мулк гарови қўйиш орқали ажратилади.

Аҳоли ўз хонадонидан панел ўрнатса, эҳтиёжидан ортиқ тармоққа сотган электр энергиясининг ҳар бир киловати 1 минг сўмдан сотиб олинади. Ҳозирги тариф 295 сўмни ташкил этади. Ҳар ойда ҳисоб-китоб қилиб, маблағлар хонадон эгасининг пластик картасига ўтказиб берилади.

2023-02-25 11:05:17